Ушбу сонда:

2 *Маҳалланг — отанг-онанг* ЯШАСИН КЎПЧИЛИК!

3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

4 *Оила даврасида* ТЎРТ МУЧАНГ СОҒМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 13 январ, жума № 6 (2055)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

14 январ - Ватан ҳимоячилари куни

«ЎЗБЕКИСТОН - ОНА ЮРТИМ»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўзбекистон - она юртим» мавзуидаги анъанавий олтинчи умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси очилди.

Бир ой давом этадиган ушбу тадбирда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий ижодкорларнинг халқ амалий санъати ва рассомчиликка оид олтмишдан зиёд асари намойиш этилмоқда. Улар орасида кичик сержант Р.Абдулатиповнинг «Мустақил Ўзбекистонни ҳимоя қилиш - муқаддас бурчимиз», оддий аскар Л.Шуҳратовнинг «Истиқлол посбонлари», сержант А.Отахоновнинг «Чексиз дунё» мавзуидаги картиналари томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

(ЎзА)

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

замонавий дастгоҳларни моҳирона бошқаришмоқда

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати ривожланиб бормоқда. «Боғот-текстил» қўшма корхонаси энг кейин ташкил қилинган бўлишига қарамай, аста-секин ўз нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда.

Корхонага асос солинган пайтда унинг Низом жамғармаси 6 миллион 450 минг евро этиб белгиланган. Шундан 40 фоизи маҳаллий «Боғоттекс» ОАЖ, 60 фоизи хорижлик ҳамкор – Туркиянинг «Сонмез Метал Эндустри ве Тижарет А.Ш.» фирмаси улушига тўғри келди. Бу ерда тайёрланаётган ип-калава дастлаб ички бозорда сотилган бўлса, кўп ўтмай экспорт қилиш ишлари бошлаб юборилди. Тўққиз ой давомида 1266,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар четга чиқарилди. Бу борада асосан Туркиядаги «Сонмез санайи ве тижарет коллектиф ширкети», «Олгун Сонмез ве ортаклари», «Демир метал гида иншоат текстил санайи диш тижарет А.Ш.», «Фуар Тижарет Эрол Эроглу» фирмалари билан шартномалар тузилиб, экспорт амалга оширилмоқда. Ички бозорда эса «Тошкентстил», «Шайхонтоҳур-текстил», «Гурлан-Дора», «Я Дем текстил», «Ай Демир текстил» қўшма корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маҳсулот харидоргирлигини оширишда энг замонавий дастгоҳлардан фойдаланилаётганлиги асосий омил бўлмоқда. Айни пайтда «Ритер» фирмасининг 3 та қайта тараш машинаси технологик жараёнда самарали ишламоқда. Энг асосийси, ип-калавадан шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга кенг аҳамият қаратиляпти. Хусусан, 4 дона тўқув машинаси ёрдамида трикотаж полотно ишлаб чиқарилиб, ундан кийим-кечак тайёрлаш учун 50 та тикув машинасида иш бажарилмоқда.

Замонавий дастгоҳларни ўзбек қизлари моҳирлик билан бошқармоқда. Улар орасидан Ҳалима Отажонова, Садоқат Манглиева, Гулнора Хусимова, Зийнат Раззоқова кабилар илғорлар сафидан жой эгаллашган. Корхонада ишловчиларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун яратилган қулай шароит иш унумига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳил жамоанинг бошланган йилда ниятлари улуғ. Корхонани янада гуллабяшнатиш йўлида қўлни-қўлга бериб, тинимсиз тер тўкмоқдалар.

Т. ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Бойсун туманида ўтган йили 152 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Туман ҳудудидан ўтадиган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қуриб битказилиши билан ушбу ҳудуд инфратузилмаси ҳам жадал ривожланиши кутиляпти.

Конларни биргаликда ўрганиш мақсадида Малайзиянинг «Петронас Чаргали оварис» компанияси билан ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилди. Шунингдек, Россиянинг «Лигеро» МЧЖ корхонаси иштирокида цемент ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушгач, яна 150 та янги иш ўрни яратилади. Шўроб қишлоғи яқинида қурилиши мўлжалланаётган гипс ишлаб чиқариш заводи қуриб битказилганидан сўнг яна 25 киши иш билан таъминланади.

«Хангаронсой» сув омбори қурилиши туфайли 1500 гектар лалми ер майдонида қўшимча боғ ва токзорлар барпо этилади. Ушбу токзорлар ва боғларда юзлаб кишилар меҳнат қилади. Қишлоқларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 175 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган.

Бойсуннинг агросаноат мажмуида чорвачилик ва боғдорчилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, ер ости захираларини ўзлаштириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги оширишга хизмат қилмоқда.

(ЎзА)

ЧЕГАРАЧИЛАРГА УЙ КАЛИТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Жанубий сарҳадларимиз посбонлари байрам бўсағасида такрор ва такрор қувондилар. Улар учун Термиз дарё портида замонавий услубда қурилган, барча қулайликларга эга бўлган 20 хонали уй фойдаланишга топширилди.

Турар-жойни қуриб битказиш ва уни зарурий ашё, мебеллар билан жиҳозлаш учун 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

Озод Ватанимизнинг муқаддас чегараларини кечаю-кундуз ҳушёр туриб қўриқлаётган зобит ҳамда аскарлар, шунингдек, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга янги хонадонларнинг калитлари тантанали равишда топширилди.

«Туркистон-пресс»

Бозор талаби қатъий

Бугунги кунда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган ширкатлар тугатилиб, ер майдонлари фермерларга топширилмоқда. Касаба уюшма тизимида ҳам янгиланиш, қайта тикланиш босқичлари амалга оширилмоқда.

ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ

Бу жараён туманимиз хўжаликларида ҳам жадал олиб борилмоқда. Дастлаб, туман фермерлари уюшмаси вакиллиги қошида касаба уюшма қўмитаси ташкил этилди. Қўмита раиси бошқа ишлардан озод қилиб қўйилди. 2004 йилда касаба уюшма таркибида 416 та фермер хўжалиги мавжуд эди. Кейинчалик тумандаги 6 та ширкат хўжалиги ўрнида 286 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шундай қилиб, туман бўйича улар сони 700 тадан ошиб кетди.

Янгиланиш жараёнининг ўзига хос қийинчиликлари, мураккабликлари бўлади. Ширкатлар барҳам топгач, уларнинг бошқарув тизими ҳам тугатилди. Бундай ҳолат касабақўмнинг туман бўйича тарқоқ ҳолда жойлашган фермерлар билан алоқасини қийинлаштирди. Туман кенгаши ана шундай аҳволни эътиборга олиб, касаба уюшмалари Уставининг тегишли бандларига асосан фаолиятни қайтадан ташкил этиш чораларини ишлаб чиқди, шу асосда раёсат қарори қабул қилинди. Унга кўра бирлашган касаба уюшма ташкилотлари тузилди. Натижада ҳар бир хўжалик ҳудудида 80 тагача фермер хўжаликлари рўйхатга олинди. Вакиллар иштирокида конференциялар ўтказилиб, муносиб номзодлар сайландилар.

Бундай сайловлар дастлаб ўтказилган «Деҳқонобод» фермерлар уюшмасида анча мунозаралар билан бошланди. 80 га яқин фермер хўжаликларининг ҳаммаси ўзича мустақил бўлганлиги учун ҳам уларнинг фикрини, мақсадини бир йўналишга бирлаштириш учун тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келди.

Мавлонов, Ойбек номли хўжаликларда шундай бўлди. Қувонарли томони шундаки, ҳозирги деҳқонларда аввалгилардагидай тобелик, бепарволик билан қўл кўтариш кайфияти йўқ. Ўтказилган ҳар бир йиғилишда одамлар ўз сўзларини айтиб қолишга, ўз фикрини ҳимоя қилиш ҳаракатида бўлаяптилар.

Янгидан сайланган раислар ва қўмита аъзолари ўзларининг асосий мақсадлари – меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Бунда ҳар бир ишловчининг орқасида унинг хонадони, оила аъзолари борлиги эътибордан четда қолдирилмаяпти.

У.ҲАКИМОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Бекобод туман Кенгаши раиси

ТОКИОДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Япониянинг Токио шаҳрида армрестлинг бўйича катталар ва ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида 38 давлатдан беш юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Йигирма еттинчи маротаба ташкил этилган мазкур мусобақада юртимиз шарафини 16 нафар спортчимиз ҳимоя қилди.

Ўсмирлар ўртасида Руслан Мухторов ўз вазн тоифасида битта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган бўлса, Рустам Қодиров бронза медал соҳиби бўлди.

Фахр

Катталар ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли курашларга бой бўлди. Унда Фарид Усмонов - иккита олтин, Мирзоҳид Шаропов ва Умид Аҳмедов - биттадан олтин ва биттадан бронза, Юсуф Қодиров - кумуш ва бронза, Шерзод Рамазонов - кумуш, Фарҳод Худоёров ва Игор Шишков биттадан бронза медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, мусобақада спортчи қизларимиздан Сарвиноз Тонготарова ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда иккита олтин медални қўлга киритди. Катталар ўртасида эса ҳамюртимиз Елена Смирнова ўз вазнида биринчи ўринни эгаллади.

Ислоҳот одимлари

Данғарадаги «Найманча» ширкат хўжалигининг вақти келиб ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси билан рақобатлаша олишини ўша кезлари ким ҳам хаёлига келтирибди. Мустақилликкача ширкат номигина сақланиб қолганди, ҳолос. Бўлимлар ва дала шийпонларидан фойз кетган, тасарруфдаги экин майдонларини эса шўр ва зах босиб, меҳнат аҳли рағбат топмаганидан бажараётган юмушидан кўнгли совуб улгурганди.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ҲАМ ЁНАДИ

Иқтисодий салоҳияти оғир бўлган хўжаликда ислоҳотларни жадаллаштириш жараёни осон кечмади. Етилган муаммоларнинг бири ҳал этилса, бошқаси келиб чиқаверди. Асосий таянч, мавжуд техникаларнинг барчаси издан чиққан, ижтимоий масалалар эса бундан-да баттар эди. Шунга қарамай, бир нарса меҳнат аҳлини руҳлантириб турарди. У ҳам бўлса келажакка ишонч-эътиқод ва мулкка эгалик ҳисси. Деҳқоннинг эркин фаолият юритишига ҳукумат томонидан яратилаётган шарт-шароит бунга туртки бўлди.

Қишнинг қаҳратон чилласи кунлари раис бошчилигида жамоа яхши ният билан далага кетмон урди. Зах қочирилиб, шўр ювилди ва ерлар оби-тобига келтирилди. Эрта баҳордан туманда илк бор чигит экишнинг янги усули, яъни Андижон технологияси ана шу хўжаликда синаб кўрилди. Истиқлол эпкинлари туфайли қишлоқ хўжалигида изма-из янгиликларнинг жорий этилиши миришкор меҳнатини осонлаштириш қаторида унинг масъулиятини ҳам ошира борди. Одамлар эгалик ҳиссини туйишди. Бу эса ўз навбатида иқтисоднинг бақувватлашувига шароит яратди.

(Давоми 2-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш ва ислох қилиш дастурларининг бажарилиши, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектлари ва уй-жой фондининг 2005-2006 йиллар кузкиш даврида тайёргарликнинг аҳволи кўриб чиқилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш вазифалари белгилаб берилган эди.

Қиш имтиҳон қилади

ТАЙЁРГАРЛИККА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

лекин хизматлар сифати нега паст?

Табиати бирмунча мураккаб Навоий вилоятида қиш анча қаттиқ келади. Шунинг учун ҳар йили қишқировли кунларга пухта ҳозирлик кўрилади. Бу соҳада тиббиёт муассасаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Мавжуд 47 та шифохона, 225 та поликлиника-амбулатория, 118 та қишлоқ врачлик маскани, 15 та «Тез ёрдам» пунктлари, 131 та дорихоналарни мавсумга пухта тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилди. Қизилтепа туманидаги сил касалликлар шифохонасининг иситиш ва канализация тармоқлари тўлиқ алмаштирилиб, бино томи қайтадан ёпилди. Конимех ва Нурота туманлари сил касалликлари бўлими, Учқудуқ тумани Қўлқудуқ қўрғонидаги врачлик амбулаториясида жорий таъмирлаш олиб борилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази вилоят филиали санитария авиацияси бўлими ва Репродуктив саломатлик марказининг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Мавсум олдидан Республика хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этган «Мурувват» поезди шифокорлари томонидан қишлоқ аҳолисига тиббий-ижтимоий потранаж хизмати кўрсатилди. Улар вилоятнинг Конимех, Зарафшон, Учқудуқ туманларида бўлиб, 1200 нафардан ортиқ кишини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Учқудуқдаги «Боздуновул» фуқаролар йиғини, «Юзқудуқ» ширкат хўжалигида яшовчи туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганлари шифохоналарда даволаниш учун тавсия этилди.

«Мурувват» поездида келтирилган дори-дармон, болалар озиқ-овқати, витаминлар, услубий қўлланмалар, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак, ногиронлар аравачалари тарқатилди. Вилоятдаги 375 та умумтаълим мактаби, 176 та мактабгача тарбия муассасаси ва 2 та «Меҳрибонлик уйи» жорий таъмирдан чиқарилди. Зарафшон шаҳри ва вилоят марказидаги ўқув юртлари, мактаблар йирик саноат корхоналари ҳомийлигига биркитилган. Қишлоқ жойларида мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлашда тадбиркорлар ва деҳқон-фермер хўжаликлари яқиндан қўллаб-қувватламоқдалар.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури асосида 26 та таълим масканини реконструкциялашга бюджет маблағларидан 526 миллион, 22 тасини жорий таъмирлашга 287,1 миллион сўм йўналтирилди. Осиё Тараққиёт банки ажратган 80 миллион сўм ҳисобидан Навбаҳор туманидаги иккита умумтаълим мактабининг иситиш тармоқлари тўлиқ янгиланди.

Айни пайтда мактаблардан 192 таси табиий газ, 5 таси электрлаштирилган печлар, 43 таси саксовул, 18 таси қуюқ ёқилғи ва 117 таси кўмир билан иситилмоқда. «Ўқувтаълимтаъминот» корхонаси ёрдами билан Конимех, Қизилтепа, Учқудуқ, Навбаҳор, Хатирчи ва Нурота туманларидаги мактабларга 6300 тоннадан зиёд кўмир келтирилди. «Ғазалкентшишабуюмлар» заводидан 27 миллион сўмлик маҳсулот сотиб олиниб, шаҳар ва туманлардаги 7 та илм маскани ва иккита мактаб-интернатнинг ойналари алмаштирилди.

Аҳолининг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган 260 та кутубхона, 9 та музей, 112 та клуб муассасалари, жумладан, вилоят марказидаги «Фарҳод», «Ширин», «Олтин воҳа», «Замондош», «Кончи» санъат кошоналари, спорт саройи, «Делфин» сузиш ҳавзаси, «Сўғдиёна», «Химик» ўйингоҳларининг қишки заллари, Зарафшондаги «Прогресс», «Қурувчи», Учқудуқдаги «Лочин» спорт мажмуаларининг иситиш шохобчалари таъмирланди. Вазирлар Маҳкамасининг коммунал хизмат тармоғини такомиллаштириш, иссиқлик таъминотини яхшилашга қаратилган қарорлари талабларидан келиб чиқиб, 23,5 километрли газ узатиш тармоқлари таъмирдан чиқарилди. Ўндан ортиқ ширкат хўжаликлари, «Ғамхўр» ишчилар қўрғони, Қизилтепа тумани марказидаги иккита кўп қаватли уйларнинг барча инженерлик коммуникациялари янгиланди. 38 километрли газ узатиш қувурларидаги нуқсонлар бартараф этилди.

Тан олиш керакки, айни кунларда истеъмолчилар коммунал соҳада кўрсатилаётган хизматларга жиддий эътирозлар ҳам билдирилаяпти. Хизматлар сифатининг ёмонлиги, иссиқлик ва газ вақтида етказиб берилмаётганлиги, электр энергияси таъминотидаги узилишлар аҳолининг норозилигига сабаб бўлаяпти. Уй-жой мулкдорлари ширкатларига ичимлик сувини тарифда кўрсатилган нархлардан ортиқча пуллаш ҳоллари учраб турибди. Қишлоқ ва овуллардаги мактабларнинг иссиқлиги белгиланганидан анча паст.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Термиз шаҳридаги офицерлар уйида Қуролли Кучлари Қўшинлари ва мудофаа тизимида хизмат қилаётган офицер ҳамда мутахассисларнинг оналари ва аёллари иштирокида учрашув-мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходими Мадина Каримова, Сурхондарё вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобиловалар иштирок этди.

«ПАРРАНДА ГРИППИ»ГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШМОҚ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматлари томонидан ўтказилаётган доимий мониторинг тадқиқотлари маълумотларига кўра, мамлакатимизда «парранда гриппи» билан касалланиш ҳоллари йўқ. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари ҳар куни турли давлатларда ушбу юқумли касалликнинг янги ўчоқлари пайдо бўлаётгани тўғрисида бонг урмоқда. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Бош санитария врачи, Соғликни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВдан ушбу ҳавфли инфекциянинг республикамиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

- Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларида «парранда гриппи» касаллиги қайд этилмоқда, - дейди Б.Ниёзматов. - Аввал касаллик Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган бўлса, бугунги кунда ушбу инфекциянинг Европадаги турли давлатлар ва Туркияда авж олиши кузатилмоқда. Табиийки, бундай вазият ташвиш туғдирмоқда ва Ўзбекистон давлат санитария-эпидемиология назорати мутахассислари ҳамда ветеринария шифокорларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Бу борада аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизга «парранда гриппи»нинг кириб келиш ҳавфини кескин камайтиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай ишлар анчадан буён ва мунтазам амалга оширилмоқда. Натижада дунёда ушбу касалликнинг тарқалиши кенгайиб бораётганига қарамай, республикамизда тинч эпизоотик ва эпидемиологик вазият сақланмоқда. Ўзбекистонда ҳозиргача уй паррандаларининг ва одамларнинг ушбу касалликка чалинганлиги бўйича бирорта ҳам ҳолат қайд этилгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 август ва 13 октябрда қабул қилинган қарорларига мувофиқ, республикамиз ҳудудига Россия, Қозоғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан тирик уй паррандаси, унинг гўшти, тухуми ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш вақтинча ман этилган.

(Давоми 3-бетда)

КУРСАНТЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашига қарашли Бухоро автомобиль мактабида 75 нафар курсант ҳайдовчилик сирларини ўрганмоқда. Улар навбатдаги - баҳорги чақириқда Қуролли Кучларимиз сафига қўшилади. Ватан ҳимоячилари куни арафасида бир гуруҳ курсантлар вилоят марказидаги ҳарбий қисмга келиб, аскарлар ҳаёти, улар учун яратилаётган шарт-шароит билан танишдилар.

Бўлажак Ватан посбонлари ҳарбий хизматчилар билан бирга ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Тош қўтариш, пневматик қуролдан нишонга олиш, турникка тортилиш, арқон тортиш бўйича ўтказилган мусобақалар армиямиз сафига муносиб посбонлар тайёрланаётганидан далолат берди.

(ЎзА)

Уйчи туманидаги «Қизил равот» тажриба хўжалиги нафақат Наманган вилояти, балки бутун мамлакатимиз пахтакорларига сара уруғлар етказиб бериб, тилга тушган. Кўпгина истиқболли навлар айнан шу ерда яратилиб, тажрибадан ўтган, минтақалаштирилган ва улардан мўл ҳосил олинмоқда.

Яқинда бу ерда саксон беш нафар ишчини иш билан таъминлаган яна бир «Уйчи уруғлик чигит тайёрлаш» корхонаси фаолият кўрсата бошлади. у «Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти қошида бўлиб, пахтакорларга сифатли, сара уруғлик чигит тайёрлаб беради.

Корхона Испания технологияси асосида иш юритади. Уруғлик чигит шу ерда туксизлантирилади, сараланади ва дориланади. Бу ерда барча жараёнлар автоматлаштирилган. Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, бир кеча-кундузда қирқ тонна уруғлик чигити тайёрлаш имконияти бор.

Суратларда: ўз ишининг усталари (ўртада) Қобилжон Мирзомов, Элёр Валижонов ва Акрам Худойбердиевлар; корхона цехининг умумий кўриниши.

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ислоҳот одимлари

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ҲАМ ЁНАДИ

(Боши 1-бетда)

Шундан бўлса керак «Найманча»ликлар ўша мавсумда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан илк бор юқори натижаларга эришишди. Одамлар қўли пул кўриб, уйига тонналаб буғдой тўкиб олди. Йил якунида эса ишлаб топган ҳар сўмига қўшимча 2,5 сўмдан дивиденд пули олди.

Орадан ўн йилдан кўп вақт ўтди. Ана шу давр одамларни меҳнатда тоблаб, тадбиркорлик ва ишбилармонликка ўргатиш билан бирга кимнинг ким эканлигини ҳам кўрсатмоқда. Ислоҳотлар қўяётган талаблардан оғишмай иш юритаётганлар кам бўлмаётир.

Бугунги «Найманча» таниб бўлмас даражада ўзгарган. Унинг ҳар бир кўчаси ва даласида янгилик, ёшу қарисининг чеҳрасида мамнунлик, шукроналик мужассам. Масалан, қирқ мингдан зиёдроқ аҳоли яшаётган мавжуд 40 та қишлоқларнинг барчасида кўчалар асфальтланиб, хонадонлар ичимлик сув ва электр энергияси, табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Ўтган икки йил оралиғида 4 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланди. Касалхона, 8 та мактаб, 23 та болалар боғчаси, иқтидорли болалар гимназияси, ғишт заводи, атлас тўқиш кичик корхонаси. Санашда яна давом этиш мумкин. Муҳими, қилинган ишларнинг барчаси мустақиллик даврида ширкат даромади ҳисобидан амалга оширилди. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача иситмаси чиққан қиши ҳам туман марказидаги поликлиникага лой кечиб борарди.

Яна бир жиҳати — меҳнат аҳли ислоҳотларни жадаллата бориб, кўпроқ даромад олишнинг бозор иқтисоди шароити механизми омилларига таянишди. Экин майдонларининг асосий қисми оила пудратчиларига ва фермерларга бўлиб берилди. Лекин ерли бўлган мулкдорлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Ўтган мавсумда ўғит, техника ва ёқилғининг ўзидан уларга 40 миллион сўмлик мадад берилди. Экин-тикинга ишлатиладиган заҳарли ўғитлардан воз кечилиб, маҳаллий ўғитга эътибор кучайтирилди, биолабораторияларга етук мутахассислар жалб этилди.

Сидқидилдан қилинган меҳнат зое кетмаслигини ширкат аҳли якунланган йилда ҳам кўришди. Давлатга пахта ва дон сотиш режалари ортиғи билан уддаланиб, рентабеллик даражаси аввалгиларга қараганда беш фоизга ортди. Гектарига қилинган сарф-харажатлар белгиланганидан ярмига кам бўлди. Хомчўтларга кўра ширкат даромади салкам миллиард сўмни ташкил этмоқда. Демак, ишловчилар бир сўм меҳнат ҳақига камида икки сўмдан қўшимча даромад олиши турган гап.

Ишлаб топилган маблағнинг расамади қандай тақсимланишига кўп нарса боғлиқ. У тўғри тақсимланса, корхонага ҳам, ишчи хонадонига ҳам қутбарака кириши турган гап. Айнан шу масалада касаба уюшмаси маъмурият билан ҳамкор. Жамоа шартномасида белгиланган келишув бўйича ҳар йили экиш мавсуми олдидан истиқболли режалар белгиланиб олинади. Ишчилар қаторида қишлоқларда истиқомат қилаётган кам даромадли оилалар, якка-ёлғиз кишилар, ногирон ва фахрийларни моддий-маънавий қўллаш ички низомнинг алоҳида бандларида қайд этилган. Соф даромад ҳисобидан ўтган йили қарийб 700 миллион сўм маблағ ана шу мақсадларга сарфланди.

Хўжалик ҳудудида 25 нафар уруш қатнашчиси ва 200 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари яшашади. Бир неча йилдирки, улар учун банкда алоҳида ҳисоб рақами очилган. Ширкатда битта штат ташкил этилиб, маош тўланади. Нуронийларни моддий қўллашда у бошқош.

Агросаноат мажмуида мулкдорлар синфини ташкил этиш ва қишлоқ жойларида кичик корхоналарни қуриб, ишга туширириш масаласи ҳукуматимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, «Найманча»да кейинги даврда бунга янада эътибор қаратилаётир. Айни пайтда оила пудрати асосида ишлаётганлар қаторида ўз мулкига эга 85 та фермер бор. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасидан ортиқча ишчи кучининг ажралиб чиқиши турган гап. Шу боис, маъмурият янги ишчи ўринлари барпо этиш ва мутахассисларни тайёрлаш масаласига жиддий ёндошмоқда. Масалан, икки йил аввал етарлича маблағ ва жой ажратилиб, атлас тўқиш цехи ишга туширилди. Мутахассислар ўқитилиб, хонадонларда ўтирган хотин-қизлар жалб этилди. Ҳозирги кунда ана шу корхонада беш хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Эллик нафар киши доимий иш билан банд. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нафақат ўзимизда, балки четда ҳам талабгор кўп. Шунинг учун йилнинг дастлабки ойларида яна иккита цехни ишга туширириш режалаштирилган. Демак, яна шунча киши иш билан таъминланади.

Шунингдек, қуввати кунига 50 минг дона ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод фаолият кўрсатмоқда. У бир неча йилдан буён нафақат хўжаликдагилар, балки туман аҳолисини зарур қурилиш материали билан таъминлаб келаётир. Булардан ташқари турли ишлаб чиқариш кичик корхоналарида икки минг нафардан ортиқ киши аҳолибоп маҳсулотларни тайёрлаш билан банд.

Келажакни ёшларга яратилаётган шарт-шароитларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ширкат тасарруфидаги 23 та кичкинтойлар маскани оталиққа олинган. 3 та мактабда 8 тадан қўшимча синфхоналар ва спорт заллари қуриб берилди. Иқтидорли болалар гимназиясига ширкат ҳисобидан компьютерлар туҳфа этилди.

Меҳнат қилган киши яхши дам олишни ҳам билиши керак. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилиш касаба уюшмаси ҳамда ширкат хўжалиги ўртасидаги келишувга биноан амалга оширилиб келинмоқда. Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратмоқчимиз. Кейинги йилларда «Рапқон» санаторийси ҳар томонлама ихтисослашганига қарамай, моддий маблағ етишмаганлиги сабабли фаолияти сустлашиб қолганди. Ширкат саъй-ҳаракати билан бўлимлар қайта таъмирланиб, замонавийлаштирилди.

Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Одинахон Шокированинг таъкидлашича, эндиликда меҳнат аҳлининг 95 фоизи ана шу санаторийда бепул дам олдирилиб, соғликлари тикланмоқда. Қолаверса, вилоят меҳнаткашлари учун ҳам унинг катта нафи тегаяпти. Ишловчиларга ҳар жиҳатдан шароитлар яратилган. Мавсумларда илғорлар рағбатлантириб борилади. Йил якуни бўйича ҳам барча тармоқдагиларга мукофотлар ажратилади. Мисол учун. Ўтган йил натижаси бўйича ишлаб чиқаришда самарадорликка эришган 300 нафар киши ва оила пудратчилари янги йил олдидан қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Маҳалланг — отанг-онанг

Маҳалла қадимий анъаналаримиз, халқимиз тарихига туташ улкан ҳаёт мактабидир. Томчида қуёш акс этганидек, маҳаллада ҳам халқимизнинг буюк ўтмиши, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг шонли кечмишлари жамулжам. Бундан ташқари, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларини, ғуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни саклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишда маҳалланинг ахамияти нақадар муҳим.

ЯШАСИН КЎПЧИЛИК!

«Қариялар маскани» барчанинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилди

Фарғона вилоятида 1000 га яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Улар орасида тарихий илдизи минг йилларга тақалган маҳаллалар бор. Қўқондаги Бахмалбоб, Замбордор, Исфара гузар, Марғилондаги Милтиқсоз, Тақачилар, Риштондаги Хўжаилғор каби маҳаллалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири ўз ўтмиши, эътиборли одамлари, авлоддан авлодга ўтиб келаётган тарихий анъаналарига эга.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла гузарлари кўпаймоқда. Бу эса одамларга савдо ва маиший хизмат кўрсатишда қўл келаяпти. Яқинда Қўқон шаҳрининг 14-Қаймоқли гузар маҳалласида ҳомийлар томонидан «Қариялар маскани» қуриб топширилди. Бунёдкорлик ишлари қарийб бир йил давом этди. Даставвал қаровсиз қолиб кетган харобазор, эски болалар боғчасини бузиб, юксак дид билан лойиҳа тузилди. Сўнгра энг моҳир усталар томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Иншоотга қадам ранжида қилган киши борки, беихтиёр таҳсин ўқийди. Масканнинг кириш қисмида европа усулида қурилган тиббиёт, маънавият ва маҳалла қўмитаси хоналари жойлашган бўлса, унинг рўпарасидаги айвонга салобатли миллий ўймакор устунлар файз бағишлаб турибди. Қурилиш ишларида маҳалла аҳли бир тану бир жон бўлиб қатнашганлиги қурилиш суръатига суръат қўшди. Оқсоқоллар ва фаоллар ташаббуси билан ёшлар асосий кучга айланишди.

– Маҳалла фаолларининг бир жойда жамланиши ишимизга катта кўмак бўлди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Матлубот Содиқова. – Одамлар зарур ишларини бажаришлари билан биргаликда маиший хизмат шаҳобчалари қулайликларидан ҳам фойдаланишаётир.

Гузарда сартарошхона, радио-телевизор созлаш устахонаси, савдо дўконлари мавжуд. Тадбиркорлар томонидан очилган косибчилик ва қандолатчилик цехларида ёшлар меҳнат қилмоқдалар. Маҳалла ҳудудида «Муқимийнинг уй музейи» жойлашгани боис, бу ерга тез-тез меҳмонлар келиб туришади. Шу сабаб шоирнинг уй музейи ҳам таъмирланиб, янги экспонатлар билан бойитиб борилмоқда. Бундан ташқари маҳаллада бирор кун ҳам озодалик, ободончилик ишлари тўхтамайди. Йўллар, хиёбонлар, ариқларни тозалаш, гул ва дарахтларга шакл бериш, кўчаларни супириб-сидириш маҳалла аҳлининг кундалик юмушига айланган. Маҳалла ҳудудини кесиб ўтган катта сой бўйига, марказий Туркистон кўчаларига экилган 500 туп арча дарахти яшнаб турибди.

Хонадон осойишталиги, одамлар хотиржамлигига нима етсин. Милиция таянч пункти жамоаси кишилар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашни намунали ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳудудда жиноятчилик, майда ўғирлик ва безориликлар учрамайди.

Тарбиячи педагог, посбон ва оқсоқолдан иборат гуруҳ хонадонларда тез-тез бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлар олиб боришмоқда. Муаммолар дахлдор идораларга етказилаяпти. Теварак атрофда бўлаётган ўзгаришларга бефарқлик, ёшларнинг турли экстремистик оқимларга кириб кетиши, ҳар хил террористик хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари, суд, прокуратура органлари ходимлари иштирокида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Маҳалла оқсоқоллар кенгаши қошида маънавият ва маърифат гуруҳи аъзолари фаоллик билан иш олиб боришмоқда. Улар маҳаллада ўтаётган тўй-маъракаларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишда кўпчиликка бош-қош.

З.БОЛТАБОЕВ, «Ишонч» мухбири

ЯНГИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ

Оролбўйида қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, хусусан, ирригация ва мелиорация тизими фаолиятини яхшилашга жиддий эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда бу ерда 215 та насос станцияси самарали хизмат кўрсатмоқда.

Мавжуд 446 та агрегат ёрдамида ўтган қишлоқ хўжалик йилида далаларга бир миллиард 200 миллион кубометр сув етказиб берилиб, 82 минг гектар экин майдони суғорилди.

Янги йилнинг дастлабки кунларида яна иккита ана шундай насос станцияси иш бошлади. Нукус туманидаги «Ўрнак» фермер хўжаликлари бирлашмасини сув билан таъминлайдиган ушбу қудратли техникалар «Қуваншярма» канали бўйида қурилди.

Замон билан ҳамнафас

ФЕРМЕРГА бахт кулиб боқди

Ўтган йили Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича катта ютуқларга эришилди. Пахта, ғалла, пилла ва бошқа барча тармоқлар бўйича белгиланган йиллик топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Эришилган бу муваффақиятларда тармоқда ўтказилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этди. Ширкатларнинг фермер хўжаликларига айлантирилаётгани бунинг яққол далилидир.

2005 йилда Норин, Уйчи, Чуст ва бошқа қатор туманларда етиштирилган пахтанинг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келганлиги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар истиқболли эканлигини исботламоқда. Негаки, ушбу туманларда бир неча йиллардан буён пахта тайёрлаш топшириқлари бажарилмасдан келмоқда эди. Демак, ер ўз эгасини топса, унга зарур ғамхўрлик кўрсатилса, кўзланган ҳосилни олиш мумкин экан. Чунки деҳқон ўз мулки сифатида бириктириб қўйилган ерга фарзандидек муносабатда бўлади.

Наманган тумани вилоят марказига туташиб кетган. Бу ерда туман экинзорларини вилоят маркази билан боғловчи Охунбобоев номли ширкат хўжалигида бўлганимизда юқоридаги ислоҳотлар ҳаётга жорий этилаётганлиги устидан чиқдик. Бу ерда амалдаги йилда ширкат тугатилиб, унинг ўрнида фермерлардан ташкил топган хўжаликни ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар, оқсоқоллардан иборат жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Хўжаликда узоқ йиллар бош ҳосилот вазифасида ишлаган, кимнинг қўлидан нима иш келишини тушунадиган Тўйчи Шерматов кенгаш раиси этиб тайинланди. Кенгаш шарти бўйича тендер ўтказилади ва унинг талабига жавоб берганларга ер берилади.

Шу кунларда эрталабдан кечгача комиссия жойлашган бино гавжум. Бу ерга ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар оладилар. Ҳозиргача комиссия номига фермер бўлиш истаги баён этилган юзга яқин ариза келиб тушди. Улар комиссия аъзолари томонидан пухта ўрганиб чиқилиб, ерни ишлашни уддалайдиган, деҳқончилик илмини чуқур билган ва хўжалик ишлаб чиқаришида ўзини кўрсатган 25 кишига мавжуд 618 гектар экин майдони бўлиб берилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирдаёқ бўлажак фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларни деҳқончилик қилишлари учун ҳар тарафлама кўмаклашиш, техник ва минерал ўғитлардан ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Хўжалик бошқарувининг собиқ раиси, инженер-механик Ҳамидулла Жабборов автотрактор парки раҳбарлигига тайинланди. Унинг айтишича, фермерлар аризаси бўйича деҳқончиликда бажариладиган ишларни адо этиш учун уларга техника ва қишлоқ хўжалиқ механизмларидан ёрдам кўрсатиб борилади. Шунингдек, қишлоқ аҳолисига тўй ва маросимларни ўтказишларида ҳам юк автомашиналари бепул бериб турилади. Хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш чораси кўрилади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Самарқанд туманидаги «Гулобод-мебель» масъулияти чекланган жамияти, икки йилдирки, ички истеъмол бозорини сифатли мебеллар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўтган йили корхона цехларига Россиядан келтирилган ёғочни қайта ишловчи, юқори унумли замонавий технологиялар ўрнатилди. Натижада жамиятда қўшимча йигирма бешта янги иш ўрни яратилди, йигирма турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғилди.

- Замонавий асбоб-ускуналарни келтиришда Республика Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бизга яқиндан кўмак берди,- дейди жамият раиси Ф.Раҳматов. - Айни пайтда мебелларимиз маҳаллий бозорда ўз ўрнини эгаллади, илғор технологиялар боис уларнинг нархи бирмунча арзонлашди. Яқин орада маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни режалаштирямиз.

БИЛИМ ВА ИҚТИДОР СИНОВИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-академик лицейда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида фанлар олимпиадасининг Қорақалпоғистон босқичи ўтказилди.

Чуқур билим ва заковат синови бўлган мазкур тадбирда 500 дан ортиқ йигит-қиз 18 фан йўналиши бўйича ўз билим ва иқтидорини намоён этди. Улар амалий ва тест топшириқларини, физика, химия ва биология фанларидан эса лаборатория ишларини бажарди.

Энг иқтидорли ўқувчилар орасидан ғолиблар аниқланиб, олимпиаданинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Оёқ остидаги хазина

СУВДАН СУВНИНГ ФАРҚИ БОР

Самарқанд ғарбидаги дашт бағрида шаффоф сув манбаи кўз очганига қирқ йилдан ошди. Лекин ундан тиббиётда расман, режали фойдаланила бошлагунгача кўп йиллар ўтди. Бу орада тоза ичимлик суви танқис бўлган қишлоқ аҳолиси шу сувдан кундалик турмушда фойдаланаверди. Қузатувчан шифокорлар одамлар соғлиғидаги ижобий ўзгаришларни қайд этишди. Уларнинг жисмонан тетиклашаётгани, айниқса, оёқ-қўл, бел, бош оғриғи каби хасталиклардан фориғ бўлаётгани яққол кўриниб турарди. Ниҳоят, аҳоли ўртасида «иссиқ сув» деб танилган бу сувнинг таркиби илмий асосда ўрганилди. Н.Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг хулосаларига кўра бу ерда Абу Али ибн Сино номли 200 ўринли сиҳатгоҳ фаолият бошлади.

Сиҳатгоҳда табиатнинг ўзи инъом қилган икки хил маъданли сув қўлланилади. Уларнинг бири ҳақиқатда иссиқ (37-43 даража) бўлиб, таркибида родон, хлорамин сульфат, натрий ва ҳоказо минераллар бор. Хусусиятига кўра, Мацеста сувларидан қолишмайди. Асаб, юрак, қон-томир касалликларини, тери куйиши, бепушти ликни даволашда жуда самарали воситадир. Иккинчи сув эса ошқозон-ичак ва урологик касалликларни даволашда наф беради. Беморларни даволашда физиотерапия, парафин, балчиқ, махсус ванналар, даволаш-жисмоний тарбия каби усуллар қўлланилади. Мустақиллик йилларида янги даволаш корпуси қурилиб, энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Клуб, спорт майдончаси, кутубхона, чойхонада дам олувчилар ихтиёрига бериб қўйилди.

Сиҳатгоҳда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Яшаш (ёток) бинолари тўлиқ қайта таъмирланишга муҳтож. Жиҳозларни ҳам янгилайдиган вақт келди. Телефон алоқасини яхшилаш, сиҳатгоҳга транспорт қатнови йўлга қўйиш керак. Ҳудудни дарахтзорга айлантириш борасида бошланган ишларни давом эттириш зарур. Ҳозир янги корпус қурилган, тоза ичимлик суви қувурлари тортиб келинган.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фош этади

БЕТНИНГ ҚАЛИНИ... ЖОННИНГ ҲУЗУРИМИ?

Олис қишлоқда истиқомат қилувчи Исоқ ота Жиззах бозоридан неваралари учун у-бу харид қилган бўлди-да, йўлга отланди. Неваралари жуда-жуда соғинган отахон автобусда Дўстлик шаҳрига осонгина етиб келди. Лекин Арнасойгача манзил олис. Шоҳбекат чиптахонасидан у томонларга автобус ҳаракати бўлмаслигини билгач, турнақатор бўлиб мижоз кутаётган шахсий енгил автомашиналардан бирига ўтирди.

Арнасойга етиб келишди. Исоқ ота чўнтагини ковласа тўрт юз сўм пули қолибди. Борини ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчининг ранги бир зумда тундлашди.

– Ҳазиллашяпсизми, бобой. Хизмат ҳақи беш юз бўлади. Бир тийин ками йўқ.

– Олақол, болам, узоқдан неваларимни кўришга келаётгандим, уларни росаям соғиндим.

– Гап битта бўлади. Ўғлингизнинг адресини айтинг, ўша ёққа ҳайдайман.

Ноилож қолган отахон киракашни ўғлининг уйига бошлади. Яхшиям келини уйда экан, юз сўм пул олиб унга тутқазди.

Бундай воқеа Дўстлик-Арнасой йўналишида тез-тез содир бўлиб туриши кундалик турмушга айлангани ачинарли ҳол. Чунки йўловчиларга арзимас йўлнинг кира ҳақи беш юз сўм бўлиб қолгани оғир ботмоқда. Шунинг учун транспорт хизмати кўрсатишда соғлом рақобат зарур. Арнасой туман Давлат солиқ инспекциясида аҳолига ушбу хизмат турини кўрсатиш истагини билдириб, мурожаат этаётган тадбиркорлар тобора кўпаймоқда. Маълумотларга қараганда, улар сони бугунга келиб 65 нафардан ортиб кетди. Барчасига идентификацион рақами берилган ва ҳар бирига участка солиқ инспекцияси нозирлари бириктилди.

Лекин мазкур тадбиркорлар фаолияти назорат этиб борилаяптими? Афсуски, йўқ. Натижада «учар» ҳайдовчилар кира ҳақини тобора осмонга кўтаришаяпти. Сўровимизга кўра Арнасой туман Давлат солиқ инспекцияси мутасаддилари аҳолига яширинча, ҳужжатсиз транспорт хизмати кўрсатаётганлар ҳақидаги маълумотни берар экан, улардан жами 223 минг 800 сўмлик жарима ундирилганини билдиришди. Бундай қоидабузарлар орасида Ҳ.Бобоев, Ғ.Абдураҳмонов, Б.Сафаров, О.Ҳасанов сингари шахсий автомашина эгалари бор.

Бу ҳолни кўриб, ҳақли савол туғилади. Тегишли рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётганлар жазоланади-ю, оғзига сиққан нархни қўйиб йўловчилар нонини «туя» қилаётган «учарлар» жазодан четлаб юришлари токайгача давом этади?

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ

«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилингач, Собир Раҳимов туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази турли назорат органлари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида ўз олдиларига аниқ вазифаларни белгилаб олишди.

Мазкур Фармон моҳияти мутахассислар ўртасида атрофлича муҳокама қилиниб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида марказ томонидан ўтказиладиган назоратларни кескин қисқартириш, тадбиркорларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий, услубий ёрдам беришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш йўналишлари ҳақида келишиб олинди.

Хусусан, туманда фаолият юритаётган саноат корхоналари, умумий овқатланиш ва савдо тармоғи объектлари санитар-техник ҳолатига кўра танлаш мезони асосида гуруҳларга тақсимланиб, 2006 ва 2007 йилларда ушбу асосда назорат текширувлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Чунки баъзи гуруҳга мансуб бўлган объектларнинг санитар-техник ҳолати ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Уларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда аҳоли саломатлиги учун хавфсиз бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида корхона, ташкилот раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларни санитария меъёри талабларига тўлиқ жавоб берадиган объектлар қаторига кўтариш мақсадида тегишли амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилиши йўлга қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Собир Раҳимов туманидаги деҳқон бозорларининг санитар ҳолатини яхшилаш, сотувчи тадбиркорлар ҳамда харидорларга қулайлик яратиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Кейинги йилларда бозорларда реконструкция ҳамда туб таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, керакли маҳсулотларни сақлаш ҳамда сотиш воситалари билан жиҳозлаш ишлари якунига етказилди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, текширишларни тартибга солиш борасида қонун меъёрларига киритилган ўзгаришларни тушунтириш юзасидан туман мутахассислари Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши туман ҳудудий комиссияси вакили иштирокида давра суҳбатлари ташкил этишмоқда.

Шахсий жавобгарликни ошириш бўйича бўлим ва бўлинма ходимлари агарда рухсатсиз текширишлар ўтказсалар, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилди. Текшириш ҳуқуқига эга бўлганлар таркиби эса 24 нафардан 9 нафарга камайтирилди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалига киритишда танлаш мезони асосида жорий йилда ўтказиладиган текширувлар режасига ўзгартиришлар киритиш учун ҳудудий комиссияга берилган буюртмалар кескин қисқартирилди.

Кўриниб турибдики, Фармон моҳияти текширишларни кескин қисқартириш, тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очиш ва республикамизда уни янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Б.ТОЖИХОНОВ,
Собир Раҳимов тумани ДСЭНМ Бош врачи

Республика касаба уюшма ташкилотларида

ИШЧИ—ХИЗМАТЧИЛАР

имтиёзлардан фойдаланишмоқда

Республика автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бажарилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўтган йили 705 та корхона, муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномалари қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич умумий корхоналар сонининг 93,8 фоизини ташкил этади. Мазкур ҳужжатлар орқали 100 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчилар турли имтиёзлардан фойдаланишмоқда.

Жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши учун ҳар бир ходимга 53 минг 618 сўм маблағ сарфлашга тўғри келди. Бу тармоқ бўйича ўтган йили бу кўрсаткич 5 миллиард 323 миллион сўмдан зиёддир.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

фаровонлик йўлидаги муҳим қадам

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашида тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали бандликни таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш масалалари ижобий ҳал этилмоқда. Мазкур ҳужжатларда ходимларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларининг ўзгариши ва ходимларнинг оммавий ишдан бўшатилиши билан боғлиқ масалаларда касаба уюшма қўмитаси билан келишиш, унинг ёзма розилигисиз меҳнаткашларнинг меҳнат шартномаларини бекор қилмаслик каби мажбуриятлар акс этган.

Ўтган беш йил давомида тармоқда 45 минг нафардан зиёд ходим иш берувчилар маблағи ҳисобидан қайта ўқитилиб, касбий малакаларини оширдилар. 17 мингдан зиёд янги иш жойлари барпо этилди. Жойлардаги маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорликда 21 минг нафарга яқин ходимлар меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштирилди. Шу жумладан, 5103 нафар ногиронлар, болалик аёллар ва меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган шахслар квоталаштирилган иш жойларида меҳнат қилишмоқда.

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ХОНАЛАРИ

меҳнаткашлар хизматида

Кейинги йилларда республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан тармоқ меҳнаткашларини соғломлаштириш, улар ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини олиб бориш яхши йўлга қўйилмоқда. Ўтган беш йил мобайнида тармоқ меҳнаткашларидан 5134 нафари санаторийларда ўз соғлиқларини тиклашди. Тармоқдаги учта санаторий-профилакторийда эса 22 минг 929 нафар ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари дам олдирилди. Тармоқ меҳнаткашларининг 30 минг 500 дан зиёд фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

«Қувасойцемент» ҳамда «Бекободцемент» акционерлик жамиятлари қошидаги клубларда эса турли бадиий-ҳаваскорлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда «Маънавият ва маърифат» хоналари ҳамда кутубхоналар меҳнаткашлар хизматида.

Марказий Кенгаш қарорига биноан Самарқанд, Навоий шаҳарларида спартакиадалар ўтказилди. Тармоқ спорт мухлислари республика касаба уюшмалари спартакиадасида ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

АКА-УКА ПОЛВОНЛАР

халқаро турнир совриндорлари

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида миллий кураш турларини ривожлантириш учун кўпгина ишлар қилинмоқда. Масалан, вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси ўрнида миллий ва якка кураш спорт турлари 4-сонли БЎСМ ташкил топди ва фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда Паркент туманида белбоғли кураш спорт туридан икки мураббий, шу спорт туридан Олмалиқдаги «Металлург» спорт клубида бир мураббий фаолият кўрсатиб келмоқда. Спортчилардан 6 нафари республика ва халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишди.

Жумладан, Қозонда ўтказилган халқаро турнирда паркентлик курашчилардан ака-ука Махаматовлар совринли ўринлар соҳиби бўлишди. Ўтган йил Шаҳрисабзда ўтказилган жаҳон чемпионатида эса Дилмурод Рўзиев биринчи ўринни эгаллади.

Н.РАФИКОВ

Огоҳликка даъват

ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Бахмал тумани Жиззах вилоятининг тоғли чегара ҳудудида жойлашган. Бу ерда 110 минг 450 киши истиқомат қилади. Шунинг 54 минг 450 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Туман фаоллари яхши бир ташаббус билан чиқдилар. «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида тарғибот-ташвиқот гуруҳи ташкил этилди. Улар қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, тез-тез учрашувлар ўтказишмоқда. Таълим муассасалари, одамлар гавжум жойларда ушбу шиор ёзиб қўйилган.

Суратда: фаоллардан бир гуруҳи аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришаётган пайт.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат

Савол: иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби бузилган ҳолда ишга тикланган ходимнинг иш ҳаки қандай тарзда тўланади? Шунингдек, ишдан бўшатишга асос бўладиган ҳолатлар борасида ҳам тўхталсангиз.

С.БОЙТЎРАЕВ, Тўрткўл тумани

ИШ ҲАҚИ ҚАЙ ТАРЗДА ТЎЛАНАДИ?

Жавоб: агарда узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаётган (прогулга йўл қўйган) ходим меҳнат шартномасини МК 100-моддаси 2-қисмининг 4-банди бўйича бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилаётган куни ҳам ишламаётган бўлса у билан меҳнат муносабатлари ишга чиқмай қўйган биринчи кунидан бекор қилинади.

МК 100-моддаси 2-қисмининг 4-бандига асосан узрсиз сабабларга кўра чиқмаганлиги (прогул) сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимни ишга тиклаш ва ноилождан прогулга йўл қўйган даври учун иш ҳаки ундириш ҳақидаги низони ҳал қилиш жараёнида ходим ҳақиқатан ҳам узрсиз сабаблар бўйича ишда бўлмагани, лекин иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш келтирилган талабларни қаноатлантиришда суд ишга тикланган ходим фойдасига ўртача иш ҳакини ишга чиқмаган биринчи кунидан бошлаб эмас, балки меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиққан кундан бошлаб ундириш лозим бўлади, чунки ходим учун прогул шу кундан эътиборан ноилождикдан йўл қўйилган деб ҳисобланади.

Шунингдек, агар корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидаларидаги ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган ножўя хатти-ҳаракатлар рўйхатида прогул учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин деб кўрсатилган бўлса, МК 100-моддаси, 2-қисмининг 4-бандига кўра бу хатти-ҳаракат учун меҳнат шартномасининг бекор қилинишига кўрсатилган қоидаларда ходимнинг иш жойида узрсиз сабабларга кўра қанча вақт бўлмаганлиги (тўла иш куни уч соатдан ортиқ ва шу каби) прогул деб топилиши белгилаб қўйилган тақдирда йўл қўйилади.

Ходимнинг иш вақтида корхона ҳудудидан ёки унга берилган вазифани бажариш лозим бўлган объект ҳудудидан ташқарида бўлиш иш жойида бўлмаслик прогул деб ҳисобланиши мумкинлигини инобатга олиб, судлар ходимнинг иш жойида бўлмаганлигининг ҳақиқий сабабларини аниқлашлари лозим. Ишда узрли сабабларга кўра бўлган деб топса, МК 100-моддаси 2-қисмининг 4-бандига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишини ғайриқонуний деб топади ва ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради. Худди шунингдек, ходим иш жойида ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган муддатда иш вақтида узрсиз сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда ҳам прогулга йўл қўйганлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилинишига олиб келади.

Саволларингизга Шовот туманлараро фуқаролик суди раиси Зарифбой Қурбонов жавоб беради

Биздан сўраган эдингиз

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Савол: меҳнат шартномасини бекор қилиш қоидалари борасида маълумот берсангиз.

А.САПАРОВА, Гурлан тумани

Жавоб: айтиш жоизки, МК 106-моддасининг 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишликка, қонунларга асосан шу ишни илгари бажариб келган ходимни ишга тиклашга иш берувчининг мажбурияти ҳисобланган ҳолларда йўл қўйилади. Бундай ҳолларга қуйидагилар киради:

– меҳнат шартномаси ғайриқонуний бекор қилинган ходимни, суднинг ҳал қилув қарори, юқори турувчи орган, иш берувчи ўзининг қарори, шунингдек, меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилиш устидан назорат олиб борувчи (масалан, прокурор протести, меҳнат инспектори ёзишмаси) органлар талаби бўйича аввалги ишига тиклаш;

– юқоридаги ҳат бошида қайд этилган органлар қарори ҳамда меҳнат низоларини кўрувчи комиссия қарори билан бошқа ишга ғайриқонуний кўчирилган ходимни аввалги ишига тиклаш;

– ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ходим захирага бўшатилган ёки истеъфога чиққанлиги сабабли, агар хизматга чақирилиб, ишга қайтиб келиш кунигача уч ой ўтмаган бўлса (МК 68-моддаси 3-қисми), аввалги ишига қайтиб келиши;

– ноқонуний судланиши сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабларнинг қаноатлантирилиши (МК 271-моддаси, 3-қисми);

– ишга қабул қилишни рад этишнинг қонунсиз деб топилганлиги сабабли, ходимни ишга қабул қилинган деб топиш ҳақидаги даъвогарнинг талабини қаноатлантириш.

Меҳнат кодексининг 106-моддаси 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилинишини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга тегишли деб ҳисоблаши сабабли, шундай асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишлик МК 106-моддасида кўрсатилган асослар бўйича ҳам касаба уюшмаси ёки бошқа валиф этилиши, у ҳам мавжуд бўлмаса, корхонада мавжуд бўлган камроқ малакали бошқа иш таклиф этилади.

Меҳнат шартномаси МК 100-моддаси 2-қисмининг 1 (корхона тугатилган ҳолатлардан ташқари), 2 ва 6-бандлари асосида бекор қилинишида иш берувчи ушбу асосларга кўра меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришнинг бутун муддати давомида ходимни ишга жойлаштириш чораларини кўриши шарт (МК 102-моддаси).

«ПАРРАНДА ГРИППИ»ГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШМОҚ ЛОЗИМ

(Боши 1-бетда)

Ушбу хавфли юқумли касаллик грипп касаллиги турига киритилгани бежиз эмас. Негаки, унинг кўринишлари кўплаб ўткир респираторли вирусли инфекциялар ва грипп касаллигига ўхшаб кетади. Айни пайтда касалликнинг клиник аломатлари яққол намоён бўлади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу касалликларга нисбатан қўлланадиган профилактика чоралари организмни «парранда гриппи»дан ҳимоя қилиш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозирги куз-қиш мавсумида ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кучайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ушбу касалликларга қарши курашиш бўйича республика штаби кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу каби тузилмалар вилоятларда ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолини эмлаш ишлари йўлга қўйилди ва бугунгача 250 минг нафардан ортиқ киши эмланди. Бу ишлар ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги мавсумда ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп билан касалланиш кенг тарқалгани йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётчи шифокорлар учун «парранда гриппи»га ташхис қўйиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқди. Инфекцияга чалиниш ҳоллари тахмин қилинганда қўшимча текширувлар ўтказилади ва бу 1,5-2 соат ичида вирус хусусиятини аниқлаш имконини беради. Иккита асосий вирусология лабораториясида - Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти ҳузурида ташкил этилган Грипп миллий маркази ушбу тадқиқотлар учун зарур бўлган тест-тизимлар билан жиҳозланди. Зарурат туғилса, барча ҳудудий вирусология лабораториялари ҳам ана шундай реактивлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари қўшни мамлакатлар ҳудуди билан кесишган жойларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекатларида жойлашган 96 та санитария-назорат пунктининг ҳаммаси аниқ тартибда ишламоқда. Бу пунктлар ходимлари республикамизга келаётган йўловчилар соғлиғини назорат қилади ҳамда божхона хизматлари билан ҳамкорликда ҳудудимизга ҳукумат қарорига биноан турли мамлакатлардан экспорт қилиниши вақтинча тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олади. Шуни қайд этиш керакки, бугун мамлакатимизнинг паррандачилик саноати аҳолимизни товуқ гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулот билан деярли тўлиқ таъминлай олади. Шу билан бирга, деҳқон бозорларида сотилаётган барча гўшт ва сут маҳсулотлари ветеринария-санитария лабораториясида текширувдан ўтказилмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати «парранда гриппи»ни пайдо бўлишининг олдини олиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Грипп миллий маркази мутахассислари Фанлар академиясининг Зоология институти билан биргаликда мунтазам равишда ёввойи сузувчи паррандаларни текширувдан ўтказиб турибди. Чунки, айнан мана шу қушлар асосий касаллик ташувчилар саналади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, инфекцияга қарши асосий ҳимоя «қуроли» - бу профилактикадир. Оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинса, ҳар қандай юқумли касаллик, жумладан «парранда гриппи»нинг ҳам олдини олиш мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу касалликни юзага келтирувчи вирус атроф-муҳитга ўта чидамсиз бўлиб, юқори ҳароратда тез ўлади. Шу боис парранда гўштини истеъмол қилишдан олдин уни яхшилаб қовуриш ёки қайнатиш тавсия этилади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман, мамлакатимизда «парранда гриппи» қайд этилмаган. Ушбу инфекциянинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олиш учун барча керакли чоралар кўрилган. Бу ишда нафақат шифокорлар ва ветеринарлар, балки уй паррандасини боқаётган барча одамлар ҳам иштирок этиши лозим.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

Қонун барчага баробар

ТЕКШИРИШДА АНИҚЛАНДИ

«Банкрот» сўзи ўзбекчада синиш маъносини англатади. Бунинг олдини олиш мумкинми? Айтиш жоизки, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга амал қилган ҳолда, иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарга нисбатан банкротликни ўз вақтида қўллаш катта самара бераяпти.

Хўжалик судлари томонидан банкрот, деб топилган хўжалик субъектлари тадбиркорларга сотилмоқда. Шу билан бирга суд санацияси ва ташқи бошқарув тамойиллари қўлланилмоқда. Аммо, ҳолдан тойган, келажагига умид қолмаган корхона банкрот, деб эълон қилинаётганлиги ҳам ҳақиқат. Яқинда Бухоро вилоят хўжалик судида банкротлик билан боғлиқ айнан шундай ишлардан бири кўриб чиқилди.

Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси даъвогар сифатида судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – "Маиший техника тузатиш" масъулияти чекланган жамиятини банкрот, деб топишни сўраган.

"Маиший техника тузатиш" МЧЖнинг Низоми Бухоро шаҳар ҳокимининг 425-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Корхона уй-рўзғор электр буюмларини, соатларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланган.

Усмон, Тўлқин Жўраевлар ва Назира Жўраева МЧЖнинг таъсисчилари бўлишган. Жамиятнинг мажлис баённига кўра Мамад Абдуллаев раҳбар лавозимига тайинланган эди. Табиийки, МЧЖ Низом доирасида фаолият юритиб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатса бўларди. Аммо унинг давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар бўйича қарзи кўпайиб кетди. Савол туғилади: бундай қарздорликнинг сабаблари нимада?

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддаси, 3-бандига асосланиб ҳисобланган солиқлар, мажбурий тўловлар, пеня ва бошқа турдаги жарималар салкам бир йил давомида тўланмаслиги оқибатида пайдо бўлган. Яна ҳам тўғрироқ айтадиган бўлсак, жамият фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижасида қўлланилган молиявий жарималар суммаси корхонани жар ёқасига етаклаб келган.

Бухоро шаҳар прокуратурасининг иш юритувида бўлган жиноят иши юзасидан МЧЖ фаолияти ҳужжатли тафтишдан ўтказилганда янада жиддий хатоликлар кўзга ташланди. Яъни, корхона томонидан худди ана шу муддатга "Бектемиртуманшаробсавдо" шўъба корхонасидан катта миқдорда алкоголли маҳсулотлар олинган. Бунда савдо қоидалари бузилиб, бартер асосида ҳисоб-китоб қилинган. Сотувдан тушган нақд пуллар назорат-касса машинасидан ўтказилмаган ва банкка топширилмаган. Натижада Вазирлар Маҳкамаси 444-сонли қарорининг 7-бандига асосан корхонага нисбатан 100 фоизли жарима қўлланилган.

Кўриниб турибдики, МЧЖ фаолиятининг текширилиши натижасида корхонага нисбатан қўлланилган жарима катта суммани ташкил этган. Солиқ тўловчи сифатида МЧЖ Бухоро шаҳар собиқ Файзулла Хўжаев туман ДСИда рўйхатга олинган.

Кредитор – ДСИ томонидан солиқларни ундириб олиш мақсадида барча чора-тадбирлар кўрилган. Чунончи, МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномалари қўйилган. Бухоро вилоят прокуратураси томонидан мавжуд солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни корхона мол-мулкидан ундириб олиш мақсадида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилинган. Суд ижрочилари томонидан унинг мол-мулкларини қидириб кўриш чоралари кўрилган. Бироқ, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг ижроси таъминланмаган.

Қарздорга хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси "Ҳамкорбанк" Бухоро бўлими тақдим этган маълумотномага кўра, МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамида пул маблағи мавжуд эмас. Бу нимадан далолат беради? Корхона иқтисодий ночорлигидан бюджет олди қарзларини тўлаш қобилиятини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ёки тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса уни банкротлик аломатлари, деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Қонуннинг 5-моддасида эса банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг энг камида беш юз бараварини ташкил этадиган, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз бараварини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан банкротлик иши қўзғатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Корхонанинг асосий воситалари ва мол-мулкларига кузатув жорий этилмаган. Унинг аксарият қарзлари бюджет олди солиқлар бўйича бўлганлиги сабабли кредитлар йиғилиши тайинланмаган. Суд даъвогарнинг "Маиший техника тузатиш" МЧЖга нисбатан банкротликка доир иш қўзғатиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантирди. "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 124-моддасига мувофиқ корхонани тугатиш ишларини ташкил қилиш вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармасига топширилди. Қонунга биноан суд бошқарувчиси тайинланди.

МЧЖ раҳбари Мамад Абдуллаев ўз жиноий ҳаракатлари билан корхонанинг иқтисодий ночор аҳволга келиб қолишига, "синиши"га сабабчи бўлган. Боз устига солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси, 3-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари якунланди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида Мамад Абдуллаевга нисбатан адолатли ҳукм ўқилди.

М.ЖЎРАЕВ, Бухоро вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари

Ҳаёт мураккабдир,
ҳаёт мураккаб,
Кунда бир мушкулот
синов– имтиҳон.
Пешонангдан силаб,
гоҳ ортиқ мақтаб,
Гоҳо жон сўрарлар
очиқ ва пинҳон.

Яхшиям гўзаллик
бор бу дунёда,
Интиқиб яшайди
яхшиям юрак.
Оний бир табассум
энг ширин бода,
Жон бахш этар дилга
баҳорий чечак.

Олисга тикилган нигоҳлар

БУГУН–ТАЛАБА, ЭРТАГА–МУАЛЛИМ

Ангор педагогика коллежи ўзига хос тарихга эга. Бу маскан 1964 йил ташкил топган. Шу давр ичида неча авлод учурма қилинди.

Айни пайтда коллежда беш йўналиш бўйича 1625 нафар ёшлар таҳсил олмоқда. Талабаларга етарли даражада билим бериш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Махсус фан кабинетлари кодоскоп, компьютер, лингафон каби техник воситалар билан жиҳозланган. Бўлажак муаллимларга Бахтигул Нурматова, Хурсанд Сувонов, Қурбон Қурбонназаров, Рустам Меликулов, Илҳом Маматқулов сингари ўз соҳасини мукаммал билган моҳир устозлар сабоқ беришмоқда.

— Шогирдларимизни маънавий дунёқараши кенг, теран фикрлайдиган шахс сифатида вояга етказиш учун ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди директор ўринбосари Рўзибой Қулсоатов. — Шунинг учун маънавий ва маърифий ишларга катта аҳамият берилмоқда. Айниқса турли байрам ва тарихий саналарга пухта тайёргарлик кўрилади. Қизиқарли кечалар, мусобақалар, билимдонлар беллашувлари бесамар кетмаяпти.

Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 18 та фан ва 10 та спорт тўгараклари мунтазам фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, турли бадиий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларга эга улкан кутубхона толиби илмлар ихтиёрида.

Айниқса, 153 нафар аъзони бирлаштирган касаба уюшма ташкилотининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Нурали Шоназаров ўн беш йилдирки, касабақўм етакчиси сифатида фаолият юритмоқда. Меҳнатсеварлиги ва фаоллиги туфайли коллежда ҳурмати баланд. Кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касабақўмнинг доимий диққат-эътиборида. Шу мақсадда ёзги таътил давомида бир гуруҳ йигит-қизлар оромгоҳда имтиёзли дам олдирилди. 7 нафар чин етим болаларга эса махсус ҳисоб рақам очилиб, маблағ ўтказиб борилмоқда. Коллеж ўқитувчи ва мураббийлари вилоятдаги турли санаторийларда касаба уюшма йўлланмалари билан мунтазам равишда соғломлаштирилмоқда.

Бугунги кунда коллежнинг аҳил жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатиб ўтилганидек, ўқиш ва ўқитишнинг сифат ва самарадорлигига эришиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган болажонларга ҳарф танитиб, таълим-тарбия беришдек масъулиятли касбни ихтиёр этган ёшлар орзулар қанотида парвоз этмоқдалар. Улар ўз меҳнатлари жамият учун нақадар зарур эканлигини яхши биладилар.

Т.ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Оила даврасида

Туманимизда йилига юзлаб ёшлар турмуш қуришади. Шукухли тўйда эзгу тилаклар билдирилади. Лекин ҳаёт сир-синоатларга тўла. Муаммолари билан олдимга келувчилар талай. Уларни эшитиб, дардларини чукур ҳис этаман. Кези келганда ўз бошимдан кечган савдоларни ҳикоя қилиб бераман. Кимларгадир сабоқ бўлса деб...

ТЎРТ МУЧАНГ СОҒМИ?

шукур қил ва саодатга эриш

Асли оққўрғонликмиз, чўлни ўзлаштириш даврида Сирдарёга келиб қолганмиз. Шу ерда униб-ўсдим, турмушга чиқдим. Аммо, ҳаёт байрамлардан иборат эмас экан. Фарзандимиз туғилди-ю, нобуд бўлди. Сўнг иккинчиси, учинчиси ҳам. Дард-дунёмиз қоронғи эди. Шундай оғир кунларда эр-хотин бир-биримизга суянч бўлдик, бир-биримизни аяб яшадик. Шифокорларнинг маслаҳатига кириб, иқлимни ўзгартириш ниятида Дўстлик туманига кўчиб келдик. Тўғри қилган эканмиз, бу қутлуғ масканда бизни Худо ярлақади. Кетма-кет уч нафар ўғиллик бўлдик. Шукр, Парвардигор ўзи олган болаларимни қайтариб берди, демак, қайсидир ҳислатимиз ёққандир-да. Умуман бирни кўриб фикр, мингни кўриб шукр этиб, сабр-қаноат билан яшашнинг хосияти зўр экан...

Баъзи ёшлар ҳаётнинг залворли синовларига дош беролмайдилар «Севги олов»лари тез сўниб, бир-бирларидан ҳафсалалари пир бўлади ва қонуний никоҳларини бекор қилишни сўраб келишади. Жумладан, Юлдузхон билан Аҳмаджоннинг никоҳини олти ой муқаддам ўзим расмийлаштиргандим. Энди бўлса...

- Тинчликми? - сўрадим келинчакдан.

Юлдуз йиғлаб юборди.

- Қайнонам кун бермаяпти. Азонда туриб ҳовли супуриш керак, ўрганолмаяпман.

- Шунинг учун ажрашмоқчимисиз?

Юлдуз сукут сақлади. Сўнг:

- Кечаси алламаҳалда уй юмушларидан қутилсам, эрталаб қандай турай?

- Эрингиз нима дейди?

- Онасининг тарафида у.

Юлдузхон эндигина 17 ёшдан ошган, ҳали жуда ёш. Турмушнинг илк зарбасидаёқ эзилиб қолиши мумкин, қолаверса, онасиз ўсган бўлса... Уйига қўнғироқ қилиб, қайнонаси билан гаплашиб кўрилди. Қайнона ҳовуридан тушди. Кўп ўтмай, улар она-боладек бўлиб кетишди. Бир оила сақлаб қолинди.

Мустақил ҳаёт бўсағасида турган, оила қураётган ёшларга бахт тилаб, уларни «Эр-хотин» деб эълон қилар эканман, қалбимни ифтихор туйғулари қамрайди. Бу лаҳзалар умримнинг энг ёқимли дамларидир.

Никоҳланувчилар турмуш қуриш учун ариза беришар экан, биз уларнинг қўлига тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма берамиз. Жуфтликлар эса руҳий, наркологик, таносил, сил касалликлари ҳамда СПИД (ОИТС) юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар. Зарурат туғилса, белгиланган тартибда даволашга йўналтирилади. Шунингдек, никоҳланган ёш оилалар 5 йил мобайнида яшаш жойидаги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назоратга олинмоқда. Лекин айни вақтда баъзиларнинг айби билан йигит-қиз шаръий никоҳдан ўтиб яшаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бу хато бўлиб, бундай никоҳни қонун ҳимоясига олмайди. Шунинг учун ҳам ёшларнинг ва улар тақдирига масъул кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳаётга тийрак қарашларини тартибга солиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Тўрт муча бутун бўлса бахт ҳам, муҳаббат ҳам, фаровонлик ҳам бўлаверади. Бўлимимиз аҳли Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни оширишни, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан «Қаҳрамон», «Янгиобод», «Саритепа», «Бунёдкор» қишлоқ фуқаролар йиғинларида, Ҳамза, Навоий, Холхўжаев, F. Ғулом номли ҳамда «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғинларида семинар-йиғилиш ўтказди. Шунингдек, ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир учрашув-мулоқотлар ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Муборак БОБОЕВА,
Дўстлик туман ФҲДЁ бўлими мудираси

«КИЧИК САҲНА» УСТАЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги қўғирчоқ театрлари томонидан кўпгина постановкалар саҳна юзини кўрди. Республика қўғирчоқ театри жамоаси ҳам кичик томошабинларни бир неча қувноқ спектакллар билан хушнуд этди.

«Сеҳрланган малика» деб номланган асар ҳам «Кичик саҳна» усталарининг энг яхши постановкаларидан бири, деб баҳоланди. Шунинг учун ҳам бу қувноқ постановка қўғирчоқ театрлари республика фестивалида совринли ўринлардан биринни эгаллади.

Бу навбатдаги анъанавий фестивалда «Тошлар мамлакати», «Юлдузлар чарақлаганда» каби қўғирчоқ спектакллар ҳам ғолиб постановкалар, деб топилди. Бу асарлар Самарқанд, Бухоро қўғирчоқ театрлари «Кичик саҳна» усталари томонидан ижодий кўрикка тақдим этилди.

ИНСТИТУТ ЖУРНАЛИ

Мамлакатимизда чоп этилаётган тиббиётга оид матбуот нашрлари яна биттага ортди. «Диабетнинг Ўзбекистондаги ҳолати» деб номланган бу журнал Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигини эндокринология илмий-тадқиқот институтининг нашри сифатида юзага келди.

Эндокрин хасталиклари, хусусан эндемик бўқоқ ва қандли диабет касалликларини даволаш ва улар профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муҳим масалалар янги журнал саҳифаларида кенг ёритиб борилади.

«Диабетнинг Ўзбекистондаги ҳолати» журналининг дастлабки сонида эса илмий муассаса олимлари ва шифокорлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар ўз ифодасини топди.

ЙИРИК МОНОГРАФИЯ

Кейинги йилларда Буюк Ипак йўли тарихига доир қатор китоблар босиб чиқарилди. Жумладан, таниқли тарихчи олим Рустам Мирзаев ҳам бу борада изланишлар олиб бориб, янги ипак йўлининг геосиёсати бўйича самарали ишларни амалга оширди. Унинг «Янги ипак йўлининг «геосиёсати» деган монографияси ҳам юзага келди.

Ушбу йирик тадқиқот яқинда тўплам ҳолида китобхонларга тақдим этилди. Унда мавзунинг янги давр шароитида тутган ўрни атрофлича ёритиб берилди.

Мазкур монография Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия академиясининг халқаро муаммолар институти томонидан босмага тайёрланди.

Янги нашр Марказий Осиё тарихини ўрганишга қизиқувчи сайёҳлар учун ҳам фойдали адабиёт бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

МУСТАҚИЛ ФИКР

(Ҳажвия)

Корхонамизда «шов-шув» гаплар пайдо бўлди: комиссия келаётган эмиш. Ходимларнинг мустақил фикрларини ўрганиш зарур бўлиб қолибди. Дастлаб мустақил фикрларимизнинг ёзма равишда тақдим қилар эканмиз. Иккинчи босқичда шу фикрларимизнинг исботи учун ҳар биримиз минбарга чиқиб ваъз айтар эмишмиз.

Эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Бизнинг фикримиз билан ҳам қизиқадиганлар бор экан-ку. Ўша куниёқ кабинетнинг эшигини беркитиб мустақил фикрларимни қоғозга тиркадим. Ўқиб кўриб ўзим ҳам яйраб кетдим, унча-мунча комиссиянинг оғзи очилиб қоладиган бўлдиёв. Корхонамиздаги аҳволни таҳлил қилиб, астар-аврасини очиб ташладим. Ҳаммаси зўр чиқди. Бироқ, бунақа гапларни томдан тараша тушгандек қўққисдан айтиб балога қолмасмикинман?.. Шунақа мулоҳазалар билан иш кунининг охирида бўлим бошлиғимизнинг хонасига аста мўраладим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, мустақил фикрларим жойланган папкани қўлтиққа маҳкам қисганча кириб бордим. У ҳам мустақил фикрларини ёзаётганмиди, билмадим, столи устидаги қоғозларини шошибгина йиғиштириб тортмага солиб қўйди.

– Фикрларингиз чакки эмас, – деди у ёзганларим билан танишиб чиққач, ўйланиброқ. – Лекин сал «рандалаш» керакмикин. Ахир андиша деган гаплар бор, ука!

Унинг айтганини қилиб мустақил фикрларимни анча силлиқладим. Чунки ёши улуғ, тажрибали одам, бир нимани билмаса гапирмайди-да. Аммо кечқурун уйда мустақил фикрларим ҳақида мақтаниб қўйиб, яна балога қолдим.

– Эсингиз жойидами? – деди хотиним қизишиб. – Сизга ким қўйипти, бунақа катта кетишни. Нима бўлганда ҳам ўша корхонамизда ғимирлаб юриб бола-чақа боқяпсиз. Тинчгина юравермайсизми! Нима қиласиз бошингизни арининг уясига тиқиб?..

– Иложи йўқ, аяси. Мустақил фикр айтиш мажбурий экан. Кетидан аттестация ҳам ўтказилади, ўша фикрларингиз баҳоланади дейишяпти.

– Ана кўрдингизми, унда тем более эҳтиёт бўлиш керак экан.

«Маликаи дилозор» мустақил фикрлар қанақа бўлиши кераклиги ҳақида маслаҳатларини тўкиб солди. Унинг пурмаъно кўрсатмаларига амал қилиб, ёзганларимни жиддий таҳрир қилиб чиқдим.

Эртасига иш ҳонага саҳарлаб етиб келдим. Касаба уюшма қўмитаси раисининг хонасидан қандайдир овоз эшитиларди. Астагина кирсам, у киши одатига хилоф равишда дўпписини ечиб, бўйинбоғ тақиб, қўлида бир варақ қоғоз билан тошойнанинг олдида турибди. Мени кўриб шошиб қоғозни тахлаб, чўнтагига солиб қўйди, ўнғайсизланиб тепакал бошига уринибгина дўпписини қўндирди. Чамаси, мустақил фикрларини айтишни кўзгуга қараб машқ қилаётган экан, шекилли.

Каридорда режалаштириш бўлими бошлиғи мени бир четга тортди.

– Бошбух иккаламизниям мустақил фикрларимизни ёзиб беринг. Бизда унақа ишларга вақт қаёқда.

– Майлику-я, лекин сизларнинг фикрларингизни мен қаёқдан биламан?

– Э-э, қизикмисиз, ука... Ҳалиги ашула бор-ку: «Сизнинг айвон бизнинг айвон эмас-му?» деган. Фикрлар ҳам шунақароқ-да. Хўп, деяверинг, чорак якунида мукофотни нақд қиламиз.

«Саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютар эдим» дегандай мукофот ҳақида гапи бўлмаса, бу нусхага борадиган томонини кўрсатиб қўярдим-а. Бироқ «эрийман» деб турган одамни ранжитиб қўйсак, ҳуржунимизга зиён бўлмасин, дея рози бўлдим.

Лекин аввал ўзимизникини бир ёқлик қилиб олайчи. Шу мақсадда фикрларимни бошлиқ муовинига кўрсатиб олмоқчи бўлдим. Ҳойнаҳой хурсанд бўлиб кетса керак.

– Ўзингиз ёздингизми?.. Мустақил фикрларни-я? – деди у таажжубланиброқ. – Бизнинг корхонадаги одамларга бунақа нотаниш атамаларни тушунтириш учун «Ижтимоий фикр маркази»дан вакил чақиртириб маслаҳатлар ташкил қилишга тўғри келармикин, деб ўйловдим.

Ана шундан кейин муовин қўлёзмамни ўқир экан «ие, ие» деб қўйди-ю, аста дами ичига тушиб кетди.

– Ҳа, майли, – деб қўйди у охири чайналибгина. – Лекин, яна бир ўйланиб, кўриб чиқинг, ука. Тўғри гапириб тўққанингга ёқмайсан, деган гаплар бор-ку, ахир!

Дарвоқе, бу гапларда жон борга ўхшайди. Энди, мустақил фикр айтиш керак экан, деб ҳамма нарсани остин-устин қилиб ташлаш шартми?.. Фикрларимни қайтадан элакдан ўтказиб, яна бир бошдан ёзиб чиқдим. Айрим раҳбарларнинг қўполлиги ва манмансираганлиги ҳақидаги гапларни талабчанлик ва жиддийлик деб ўзгартирдим. Корхонамизда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик урчиб кетгани ҳақидаги фактларни ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик деб изоҳладим. Ҳисобчининг девонхонадаги эри йўқ хотинга илакишиб юрганини бева-бечораларга мурувват кўрсатишга тенглаштириб қўяқолдим. Хўжалик мудирининг давлат мулкини талон-тарож қилиши ҳақида ёзганларим унинг оилапарварлиги, рўзғорини бут қилиш учун елиб-югуриш, деган таърифлашлар билан алмашди. Бунга қаршилик кўрсатмоқчи бўлган қоровул-поровулларни боплаб танқид қилиб ташладим.

Шунга ўхшаш тузатишлардан кейин ёзганларим рисоладагидай бўп қолди, шекилли. Лекин, барибир таомилга кўра бирров биринчи муовиннинг олдидан ўтиб қўйганим маъқулдир. Маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар-ку.

У киши қўлёзмамни олиб, одатдагидек эринмасдан кўзойнагини тақиб, қизил ручка билан ўқувчининг ёзма ишини текширётган муаллимдек бир-бир тузатиб чиқди. Мустақил фикрларим ҳам пати юлинган товуқдек бўлиб қолди. Аввалига сал ранжигандек бўлдим. Кейин ўйлаб ўзимни босдим. Чунки, бу одам бежиз мана шу курсида ўтирмайди. Оқу қоранинг фарқига боради, корхонанинг пасту баландини билади. Шуларни ўйлаб қўлимни кўксимга қўйиб, миннатдорчилик билдирдим.

– Буларни сал эпақага келтиргач, – деди биринчи муовин чиқишга чоғланаётганимда, – бирров бўларининг олдидан ўтиб қўйинг, Ҳар қалай ёшсиз, ўсадиган кадрсиз.

Кутилмаган бу гаплардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Котибага эртага шоколад олиб беришни ваъда қилиб, мустақил фикрларимни коппьютердан чиқартириб олдим.

– Шоколадни иккита олиб келаверинг, – деди котиба сузилиброқ. – Шеф кўргандан кейин бунингизни яна қайтадан тузатиб чиқарамиз. Ҳамманикини шунақа қилаяпмиз.

...Ана шунақа гаплар, ошна. Ҳали замон ўша нуфузли комиссия келиб қолса, ҳаммамизнинг мустақил фикрлар билан ишлаётганимизни кўриб ланг очилган оғзини ёполмай қолса, ажаб эмас!

Ҳабиб СИДДИК

Ҳушхабар

РУСТАМНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Шахмат бўйича 18-жаҳон чемпиони Рустам Косимжонов янги йилни ғалаба билан бошлади. Эстония пойтахти Таллин шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халкаро турнирда у юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида эллик нафар шахматчи дона сурди. Улардан ўн нафари мусобақа финалида ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада тўққиз имкониятдан еттитадан очко жамғарган уч гроссмейстер - Рустам Қосимжонов, 12-жаҳон чемпиони Анатолий Карпов (Россия) ҳамда Украина вакили Василий Иванчук биринчи ўринни эгалладди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда етти имкониятдан 5,5 очко жамғарган латвиялик шахматчи Ильзе Берзиня ғалаба қозонди.

ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Андижон маиший хизмат коллежида «Ёшлар - буюк келажак» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.

Тадбир вилоятдаги бешта олий ўқув юртида таълим олаётган талабалар иқтидори, билими ва заковатининг ўзига хос кўриги бўлди.

Фестиваль иштирокчиларига ташкилотчи ва ҳомийларнинг кўплаб совринлари, махсус лотерея ютуқлари топширилди, улар «Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмаси вилоят бўлимининг энг яхши хонандалари чиқишларини томоша қилди. Энг яхши Қорбобо танлови фестивалнинг асосий қисмига айланди. Бешта жамоа ҳам топшириқларни аъло даражада бажариб, ҳайъат аъзоларининг юқори баҳоларига сазовор бўлди.

Қизиқарли ўтган бошқа танловлар давомида ҳам жамоалар аъзолари ўз саҳна маҳорати, зукколиги ва топқирлигини намоён этди.

Теннис

ЖАРОҲАТ ҲАЛАҚИТ БЕРДИ

Спортчи борки жароҳат балосидан жуда қўрқади. Чунки, спортчи учун ўз фаолиятини давом эттира олмасликдан ёмони йўқ. Айниқса, спортнинг теннис турида бу ҳол кўп бора такрорланади.

Теннис оламидаги йилнинг дастлабки йирик турнири, шубҳасиз, «Катта шлем» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионати саналади. Шу йилнинг 16 январида бошланадиган мусобақаларда белгиялик машҳур теннисчи Ким Клейтерс қатнаша олмаслиги мумкин. Ўтган чоршанба куни у Сиднейдаги турнирда кутилмаганда олган жароҳати туфайли ўйин бошланишига бир неча дақиқа қолганда кортга тушишдан бош тортди. У италиялик Франческа Скьявоняга қарши ўйин арафасида чигалёзди машқлари ўтказаётган пайтида шикастланди. Энди у тиббий кўрик натижаларидан сўнг врачлар берган тавсияларга таяниб ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ёки қатнашмаслигини билиб олади. Агар дунёнинг «иккинчи ракеткаси» Мельбурнга бора олмаса, у ҳолда ушбу турнир яна бир катта йўқотишга дучор бўлади.

Шундоқ ҳам ушбу турнирнинг эркаклар мусобақасида Марат Сафин, Андре Агасси ҳамда Рафаэл Надал сингари машҳур теннис юлдузларининг бора олмаслиги аниқ бўлган. Улар жароҳат туфайли ушбу турнирда қатнашмайдилар.

Бокс

ЯНА БИР УРИНИШ

WBO йўналишининг биринчи ярим ўрта вазндаги жаҳон чемпиони Мигел Котто ўзининг унвонини сақлаб қолиш учун шу йилнинг 4 март куни яна рингга чиқади. Навбатдаги жангни у италиялик Жанлука Бранкога қарши ўтказади. Италиялик боксчи бундан икки йил муқаддам ҳам чемпионлик учун жанг ўтказганди. Бироқ, у ўшанда Артуро Гаттига очколар ҳисобида ютқазиб қўйганди.

Бранко чемпионлик учун Пуэрто-Рикода бўлиб ўтадиган жангда яна бир бор ўзини синаб кўрмоқчи.

Футбол

«ЛИВЕРПУЛЬ» ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРМОҚЧИ

Дания терма жамоаси ҳамда «Брондбю» жамоаси ҳимоячиси Даниэл Аггер яқин орада ўз жамоасини ўзгартириши мумкин. Англиянинг «Ливерпуль» жамоаси 21 ёшли ҳимоячини сотиб олишни режалаштирган.

Ҳимоячи тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиб бўлгач, у билан шартнома имзоланади. Трансфер баҳоси ошкор этилмаяпти. Бироқ, норасмий маълумотларга кўра у 8,5 миллион евро бўлиши мумкин. Бу ҳақда УЕФА расмий сайти хабар тарқатган.

ЧИПТА МУАММОСИ

Италиянинг Турин шаҳри қишки олимпиада ўйинларига мезбонлик қилади. Ўйинлар бошланишига бир ой вақт қолганда шаҳардаги катта меҳмонхоналарнинг эгалари хавотирга тушиб қолдилар. Чунки, бугунгача 2500 та номер ҳамда 16 минг нафар меҳмонларга ажратилган хоналар учун буюртма тушмаган. Ташкилотчилар ҳам томошабинларга билет сотиш масаласида муаммога дуч келишган. Айни вақтгача миллионта билетнинг фақат 585 мингтаси сотилган, холос.

Қишки олимпиада ўйинлари матбуот котиби Жузеппа Гатинонинг ишонч билан таъкидлашича, қолган 30 кун мобайнида сотилган билетлар ҳисобини 850 мингтага ошириши мумкин.

– Ҳаммасини сўнгги дақиқаларда ҳал қилиш одати италияликларга хос анъана саналади. Ишонаманки, ҳаммаси жойида бўлади, - деди у ўз чиқишида.

Агар Гатинонинг тахминлари тўғри чиқса, ташкилотчилар 76 миллион евро миқдорида соф даромад олишлари мумкин. Бироқ, башорат ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди. Шу боис, хавотирга ўрин борми деган саволга, одил ҳакам — вақт жавоб беради.

А.ЮНУСОВ тайёрлади



«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси ЭҲМ оператори Дилором Худойбергановага синглиси **Шаҳло ҚОДИРОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

1 3456